

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янгиланиш, меҳр-оқибат ва фаровонлик айёми

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 28 февралда «2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган кундан бошлаб маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг кўламли ишлар ташкил этилди.

...21 март эрта тонгдан карнай-сурнай ва ногоралар садоси таралиб, юртимизда Наврўз сайли бошланганидан дарак берди. Наврўз байрами ҳамма жойда — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳридаги асосий байрам тadbирлари «Ўзэкспомарказ» мажмуида бўлиб ўтди. Карнай-сурнай садолари халқни сайилга чорлади. Республикаимиз Президенти байрам сайлига чиқди. Дастлаб байрам сайлида иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий меҳмонлар билан кўришиб, уларни муборакбод этди.

Юртимиз бўйлаб олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар руҳи одамлар қалбига кўчиб, ватандошларимиз бунёдкорлик, ободлик сари интилмоқда. Ўтган йили 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан барча даражадаги раҳбарлар халқ ичига кириб, уларнинг дарду ташвишлари би-

лан қизикди, муаммоларга биргаликда ечим топилиди. «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг» деган ғоя ҳаммамиз учун ширга айланди.

Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида 2017 йилда 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Президентнинг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти — Олий Мажлиси Мурожаатнома тақдим этилди.

Ўтган йили юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1 100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта 2 700 нафар маҳкуми афв этиш тўғрисидаги Президент Фармони имзоланди. Бу ҳам инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлди.

Қисқа муддатда 161 та йирик sanoat объекти ишга туширилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда иқтисодий ўсиш суръати 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 854 млн долларга етди.

Миллий валютанинг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валюта-



ЎзА ахбороти

ни тижорат банкларида чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди.

2017 йилда янги sanoat корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектиларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 млн квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрсатади.

25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қурилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йилда 420 минг квадрат метр кўп қаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди.

Халқаро ҳамкорлик борасида ҳам мамлакатимиз тарихида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бир йилнинг ўзида 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 млрд АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди.

2018 йилга юртимизда Фаол тadbиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди. Бу йил бизнес-фаолиятни инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтказилган Наврўз шодиёналарида ҳам иштирок этди.

ЎзА материали асосида.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

Инновацион маҳсулотдан олинган фойданинг 10 фоизи — муаллифга

ҚҲТБТ порталида инновацион фаолиятга доир қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Илгари «Фан ва инновацион фаолият тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш режалаштирилган эди. Ҳозирги кунда ҚҲТБТда иккита: инновацион фаолиятга доир ва фан тўғрисидаги алоҳида қонун лойиҳалари жойлаштирилган.

«Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг айрим асосий қоидаларини келтириб ўтамиз.

Инновацион сиёсат — минтақалар кесимида

Президент томонидан 5 йил муддатга тасдиқланган Миллий инновацион тизимни ривожланти-

риш давлат дастурида инновацион ривожланишнинг амалга оширилаётган асосий йўналишлари белгиланди.

Мазкур муддатда вилоятлар, туманлар ва шаҳар Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ҳудудий миқёсда тасдиқланадиган минтақавий инновацион ривожланиш дастурлари шакллантирилади. Дастурлар тегишли маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Ҳудудий инновацион дастурларни жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар. Бунинг учун улар зарур ташкилий, молиявий ва бошқа қўллаб-қувватлашни

2-бетда

Ўшбу сонда:

4-БЕТ

Рақобат варақаси талаб қилинадиган 4 та шартнома

5-БЕТ

Почта орқали ўтказилган алимент талабсиз қайтиб келди: нима қилиш лозим?

7-БЕТ

Автомобиль қанча ушлаб турилиши мумкин?

Инновацион маҳсулотдан олинган фойданинг 10 фоизи – муаллифга



таъминлайдилар, шунингдек инновацион фаолият субъектларини ташкил қилишда иштирок этадилар.

Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш

Илмий ва инновацион фаолиятни молиявий таъминлаш мақсадида қуйидагилар ташкил этилади:

➤ инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш фондлари;

➤ инновацион ва/ёки венчур фондлар.

Инновацион фондлар инновацион лойиҳаларни маблағларни қайтариш шарти билан ёки бегараз асосда молиялаштирадilar. Шунингдек улар инновацион фаолият субъектларининг мажбуриятлари бўйича кафил вазифасини бажаришлари мумкин.

Венчур (таваккалчилик даражаси юқори бўлган) фондлар инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инновацион лойиҳаларни дастлабки молиялаш-

тиришни амалга ошириш, инновацион корхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

Лойиҳа бўйича қуйидагилар инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

➤ давлат бюджети маблағлари;

➤ инновацион фаолият субъектларининг ўз маблағлари;

➤ халқаро грантлар, тижорат банклари, шу жумладан хорижий банкларнинг имтиёзли мақсадли кредитлари;

➤ инновацион ва венчур фондлар;

➤ хусусий, шу жумладан хорижий инвесторларнинг маблағлари (инновацион фаолият субъектлари томонидан эмиссия қилинган акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қозғаларга кредитлар, молиявий лизинг ва инвестициялар шаклидаги);

➤ бошқа таққилланмаган манбалар.

Тадбиркорлик субъектлари – давлат бюджетидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳаларнинг

ижрочилари учун инновацион лойиҳаларни умумий молиялаштириш ҳажмидан маблағларнинг 10%идан кам бўлмаган миқдорда захиралаш режалаштирилмоқда.

Инновацион лойиҳалар муаллифларини рағбатлантириш

Инновацион маҳсулот муаллифи юридик шахсдан ушбу маҳсулотни татбиқ этишдан олинган соф фойданинг 10%идан кам бўлмаган миқдорда мукофот олиши режалаштирилмоқда. Бунда мукофот, инновацион маҳсулот татбиқ этилган пайтдан бошлаб 5 йил давомида берилди.

Инновацион интеллектуал мулк объектига мутлақ ҳуқуқ эгаси бўлган юридик шахс барча солиқлар тўланганидан кейин қолган, лицензион шартномалар бўйича олинган маблағларнинг камида 40%ини унинг муаллифига мукофот тўлашга йўналтиради.

Инновациядан фойдаланиш фойда олишни назарда тутмайдиган, балки бошқа ижтимоий муҳим натижага эришишга олиб келадиган ҳолларда, юридик шахс шартномага асосан мазкур инновация муаллифига бирийла бериладиган мукофот тўлайди. Унинг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

Халқаро карталардаги валютани нақд олиш мумкин бўлади

ҚЎТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг банк хизматларидан кенгроқ фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирларга доир қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтди.

Лойиҳа банк секторида йил охиригача амалга оширилиши зарур бўлган топшириқлар мажмуидан иборат.

Мижозлар билан ўзаро муносабатларда

Тижорат банклари мијозларга бевосита хизмат кўрсатиш зонасига тўсиқсиз киришни таъминлашлари керак. Дастлабки рухсатномаларни бериш ва ташрифчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши амалиётини бекор қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, илк бор қабул қилувчи маъмурлар кўрсатилаётган банк хизматлари ҳақида мијозларга олдиндан маслаҳат берадилар.

Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида алоҳида низоми ишлаб чиқиш таклиф этилган.

Кредитлаш механизмларида

Банкларга кредит (микрозаём) бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабардор қилиш тартибига доир босқичма-босқич таомилни кўрсатиб, кредит буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқишнинг ошқора тизимини жорий этиш мажбурияти қўйилади. Бунда банк филиалларига бош банк билан қўшимча келишмай туриб кредит бериш тўғрисида мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини бериш таклиф этилди.

Ана шу йўналишда кредит ташкилотларининг қуйидагиларни амалга оширишини таққиллаш режалаштирилган:

➤ ломбардлар тузган микрозаём шартномалари, шунингдек кредит шартномалари бўйича йиллик қарз миқдорининг ярмидан ошадиган суммада фоизлар ҳисоблаш, воситачилик ҳақи ва неустойка ундириш, бошқа жавобгарлик чораларини қўллаш;

➤ кредит буюртманомаларини кўриб чиққанлик, ссуда счётларига хизмат кўрсатганлик, кредитлар берганлик учун тўловлар, шунингдек жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари кредитларни (микрозаёмларни) муддатидан олдин сўндирганлиги учун неустойка ундириш.

Тижорат банклари ўзлариникини яратишлари учун кредит бюросида скоринг моделини жорий этиш таклиф этилган. Ушбу моделлар эҳтимолий қарз олувчининг кредит пулини тўлаш қобилиятини тезроқ баҳолаш ҳамда жисмоний шахслар ва кичик бизнесга



кредитлар (микрозаёмлар) бериш муддатини қисқартириш имконини беради.

Хорижий валюта муомаласи соҳасида

Тахминан апрель ойида Ўзбекистонда халқаро тўлов карталаридан нақд хорижий валютани белгиланган лимитлар доирасида ечиб олиш мумкин бўлади.

Ушбу муддатга келиб хорижий валютанинг олди-сотди операциялари бажарилишини ва халқаро тўлов карталаридаги маблағлар хорижий ёки миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказилишини таъминловчи жисмоний шахсларнинг счётларини масофадан бошқариш тизими жорий этилиши керак.

Ноябрь ойига келиб автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Улар куну тун, айниқса сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган жойларда ишлайди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, йил охиригача қўшимча равишда 1 045 та банкомат ўрнатиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун банклар ва процессинг ташкилотларига асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, бошқа материаллар ва дастурий таъминот олиб кириш бўйича божхона имтиёзлари берилди.

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

Электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробит тумани,
Таъзимаржон кўч. 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz.
web: www.norma.uz

УШБУ СОНДА

• АССАЛОМ, НАВРЎЗ

– Янгиланиш, меҳр-оқибат ва фаровонлик айёми **1-бет**

• НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

– Инновацион маҳсулотдан олинган фойданинг 10 фоизи – муаллифга
– Халқаро карталардаги валютани нақд олиш мумкин бўлади
– Ўқув марказлари MUIS резиденти бўлиши мумкин **1, 3-бетлар**
• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Қайтарилмайдиган намуналар
– Ишончнома асосидаги ваколатлар
– Бино ижарага ер билан қўшиб берилади
– ДУК кузатувчилари
– Рақобат варақаси тақдим этилиши мажбурий **3-4-бетлар**

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Алимент – почта орқали
– Қандай қилиб богдорчилик ширкати аъзоси бўлиш мумкин

– Муддатсиз ногиронлик белгиланган бўлса...

– 10 йил ўтгач зарарни қоплаш

5-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Синаш ҳуқуқисиз
– Вақтинча бошқа ишга ўтказиш

7-бет

• АВТОНОРМА

– Автомобиль учун муддат
– Ташувчининг мажбурияти

– «Мобиль репортёр» ёрдамга келади **7-бет**

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Ийрик корхоналар фойдасининг 10%и – инновацияларга
– Рўйхатдан ўтмаган тадбиркор йиллик солиқни ҳар ойнинг 10-санасигача қоплайди
– Сайёр кассалар пенсия ва нафақаларни қандай тўлайди

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайитириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarl birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

ҚХТБТда Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси жойлаштирилди.

Ўқув марказлари MUIC резиденти бўлиши мумкин

Фаолият турлари кўпаяди

Инновация маркази резиденти мақomini олиш учун мезон ҳисобланадиган амалга ошириладиган фаолият турларини қуйидагиларни қўйиш орқали кенгайтириш таклиф этилмоқда:

дастурий таъминотни ишлаб чиқиш.

бошқа тоифаларга киритилмаган бошқа таълим турлари – фақат компьютер билимларини ўргатишга йўналтирилган.

Эслатиб ўтамиз, ҳозир резидент бўлиш учун қуйидаги фаолият турларидан бири амалга оширилиши керак: «Компьютер дастурлаш, маслаҳат бериш ва бошқа қўшимча хизматлар», «Маълумотларни жойлаштириш ва қайта ишлаш бўйича хизматлар, Web-порталлар» ёки MUIC мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан белгиланган фаолиятнинг бошқа турлари.



Реклама ва электрон тижорат бўйича имтиёзларни қўллаш тақиқланади

Имтиёзлар қўлланилмайдиган резидентлар даромадларига (бузунги кунда – молиявий операциялардан ва кўчмас мулкдан олинган даромадлар), реклама ва электрон тижоратдан олинган даромадлар ҳам киритилиши тақиқ этилмоқда.

Лойиҳа тасдиқланган тақдирда мазкур даромадлардан умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланади.

Божхона имтиёзлари учун ТИФ ТН коди бўйича хулоса тақдим этилади

Имтиёзлар билан бир қаторда, MUIC резидентлари 1.01.2028 йилгача тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келадиغان, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, бутловчи буюмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод қилинади.

Резидентлар Инновация маркази Дирекциясига имтиёзли рўйхатга у ёки бу позицияни киритишга доир таклифларини ўзлари тақдим этадилар. Таклифларда товарнинг тўлиқ номи, унинг миқдори ва зарурат тутилганлигининг қисқача асоси кўрсатилади.

Резидентлар ушбу ҳужжатларга ваколатли органнинг товар позициясига мос ТИФ ТН кодини бериш тўғрисидаги хулосасини илова қилишлари шарт деб белгиланиши тақиқ этилмоқда.

Ленара Хикматова, Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ экспертлари.

Лойиҳалар ўзгартирилиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Эълон

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лоийҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59

телефони орқали

(шаҳарлараро кўнгирақлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 0371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтанинг 5 кунни давомиди соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



Қайтарилмайдиган намуналар

Корхонамиз музқаймоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Февралда Москва шаҳридаги кўрағазмада қатнашамиз. Стендди ижарага олишга контракт тузиб, ТСОЯЭАТда хизматлар импортини рўйхатдан ўтказганмиз. Кўрағазмада қатнашиш учун учиб кетадиган кунда қарийб 100 кг музқаймоқни шахсий юк сифатида ўзимиз олиб чиқиб кетишни режалаштиряпмиз.

Экспорт контракти тузишимиз ва БЮДни расмийлаштиришимиз керакми?

Е.Солиҳова, бош бухгалтер.



– 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий давлатларда ўтказиладиган кўрағазма ва ярмаркаларда намойиш этиш учун мўлжалланган, қиймати 5 000 АҚШ долларигача бўлган товарларни товарларнинг юк ҳужжатларига мувофиқ олиб чиқишга рухсат этилган. Яъни бунинг учун экспорт контракти тузиш ҳамда божхона юк декларациясини расмийлаштириш керак эмас (29.12.2017 йилдаги ПҚ-3451-сон қарорнинг 1-банди).

Президентнинг 3.11.2017 йилдаги ПҚ-3351-сон қаро-

рига иловада қайд этилган товарлар бундан мустасно. Кўрсатилган иловада музқаймоқ қайд этилмаган.

Хорижий давлатларда ўтказиладиган кўрағазмаларда (ярмаркаларда) намойиш этиш учун мўлжалланган товарларни олиб чиқишда кесиб ўтиладиган чегара божхона постини:

➤ хорижий давлатлардаги кўрағазмада (ярмаркада) уларнинг иштирок этиш режалаштирилаётгани;

➤ тадбир ўтказиладиган жой, унинг муддати ва вақти;

➤ олиб чиқилмайдиган то-

варлар (номи, миқдори ва қиймати) тўғрисида хабардор қилиш лозим (ПҚ-3451-сон қарорнинг 3-банди).

Олдиндан ташиш ҳақини тўлаб, божхона постини хабардор қилган маъқул.

Хорижий давлатлардаги кўрағазмага олиб чиқилмайдиган товарларни сотиш мумкин. Тушган маблағларни ЎзР тижорат банкларидаги ҳисобрақамларга, шу жумладан банк ўтказмаси, шунингдек хорижий валютадаги нақд пул шаклида киритинг (ПҚ-3451-сон қарорнинг 2-банди).

Ишончнома асосидаги ваколатлар

Филиал директори саломатлиги туфайли ишдан бўшади, унинг вазифаларини компания ишончномаси асосида директор ўринбосари бажармоқда. Турли хил, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузишда унинг имзоси талаб этилади.

Қуйидаги вариантлардан қайси бирини шартномада қайд этган маъқул:

1) «Юлдуз» МЧЖ, бундан буён «Иш берувчи» деб номланади, низом асосида фаолият юритувчи директор Валиев В.В. тимсолида, бир томондан...;
2) «Юлдуз» МЧЖ, бундан буён «Иш берувчи» деб номланади, ишончнома асосида фаолият юритувчи директор Валиев В.В. тимсолида, бир томондан...?

Филиал директорининг ўринбосари қандай ҳужжат (низом ёки ишончнома) асосида фаолият юритмоқда?

О.Нормухамедова,
кадрлар бўйича инспектор.

– Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисоб-



ланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда

у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради (ФКнинг 47-моддаси).

Филиалнинг ўзи бевосита низом асосида фаолият юритади.

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради (ФКнинг 134-моддаси 1-қисми).

Ишончнома асосида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлардан бири шартномаларни тузиш бўлиши мумкин.

Шу тариқа, шартномаларнинг муқаддимасида қуйидагиларни қайд этиш мақсадга мувофиқ: «...ишончнома асосида фаолият юритувчи филиал директори ўринбосари тимсолида...».

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Корхона юридик шахсдан офис ва ишлаб чиқариш биноларини ижарага олмакчи. Бўлғуси ижарага берувчи кўчмас мулкни ижарага бериш шартномасини, шунингдек ушбу кўчмас мулк жойлашган ер участкасини ижарага бериш шартномасини тузишни таклиф этяпти. Ижарага берувчининг ижарага олинаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасини ижарага бериш шартномасини тузишни талаб қилиши тўғрисида?

Н.Петяева,
бош бухгалтер.

Бино ижарага ер билан қўшиб берилади

— Йўқ, ижарага берувчи нотўғри талаб қўймоқда. Бу ҳолда ер участкасини ижарага бериш тўғрисида алоҳида шартнома тузиш керак эмас.

Корхона офис ва ишлаб чиқариш биноларини ижарага олиши учун фақат бинони ижарага бериш шартномасини тузиш зарур. У бўйича ижарага олувчига бундай кўчмас мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини топшириш билан бир вақтда ер участкасининг ана шу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади (ФКнинг 575-моддаси 1-қисми).

Ижарага берувчи ижарага берилаётган бино жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлса, ижарага олувчига ер участкасининг тегишли қисмига бўлган ижара ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳуқуқ топширилади (ФКнинг 575-моддаси 2-қисми).

Шу тариқа, тузилаётган шартномада «шартноманинг амал қилиш даврида ижарага олинган бинолар жойлашган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи (бошқа ҳуқуқ) ижарага олувчига ўтишини» назарда тутиш мумкин. Бунинг устига, ҳатто бу қондани шартномада қайд этмасангиз ҳам, ер участкасининг бино жойлашган ва улардан ўз вазифасига мувофиқ фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи бино ижарага берилган муддатга ижарага олувчига ўтади (ФКнинг 575-моддаси 3-қисми). Шу сабабли ер участкасини ижарага бериш тўғрисида алоҳида шартнома тузиш талаб этилмайди.

Ер участкаси мустақил ижара объекти сифатида ижарага олувчиларга туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, Вазирлар Маҳкамаси, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан (ички хўжалик ижараси) берилади (ЕКнинг 24-моддаси).

Сабоҳат Султонова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ДУК кузатувчилари

9.01.2018 йилдаги ЎРҚ-459-сон Қонун билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 76-моддаси 3-қисмига ўзгартиришлар киритилди. Бизнинг АЖда кузатув кенгашининг иккита аъзоси унитар корхоналарнинг бош бухгалтерлари ҳисобланади.

Ўзгартиришларга мувофиқ, АЖнинг унитар корхонасида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш зарурми? Ёки мазкур ўзгартиришлар акциядорлик жамиятларининг унитар корхоналари ходимларига тааллуқли эмасми?

А.Костецкая, юрисконсульт.

— Сизнинг ҳолатда кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш талаб этилмайди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 76-моддаси 3-қисмидаги ўзгартиришларга мувофиқ, жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шуъба ва тобе (қарам) хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик

мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шуъба хўжалик жамияти ҳисобланади (ФКнинг 67-моддаси 1-қисми).

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг (улушнинг) 20%идан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади (ФКнинг 68-моддаси 1-қисми).

Ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк

ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади.

Унитар корхонанинг мол-мулк бўлини масдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас. Унитар корхонанинг мол-мулкни унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир (ФКнинг 70-моддаси).

Қонуннинг 76-моддаси 3-қисмидаги талаблар фақат шуъба ва қарам хўжалик бирлашмаларига татбиқ этилиши, ушбу вазиятда эса унитар корхона ходимлари ҳақида сўз бораётганлиги сабабли АЖ кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш керак эмас.

Рақобат варақаси тақдим этилиши мажбурий

Қандай шартномаларни тузиш учун рақобат варақаси талаб этилади?

О.Н.Нормухамедова, кадрлар бўйича инспектор.

— Қуйидаги битимларни расмийлаштиришда рақобат варақаси талаб этилади.

1 Ташқи савдо вазирлигида (ТИВ):
 > Ҳукумат қарорлари ва ҳукуматлараро битимлар асосида тузилган;
 > Президентнинг «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импорти лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (3.11.2017 йилдаги ПФ-5215-сон) 2-иловага ки-

ритилган товарларни (ишлар, хизматларни) экспорт қилишга контрактларни (шартномаларни) рўйхатдан ўтказишда.

Бунда ТИВда қуйидаги экспорт контрактлари рўйхатдан ўтказилмайди¹:

> товар-хом ашё биржаларида тузилган ва рўйхатдан ўтказиладиган;
 > хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни етказиб бериш учун² (ВМнинг 21.12.2017 йилдаги 1006-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-банди).

2 Маҳсулот тақсимотида оид битимлар ва геология-қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимлар доирасида 100 млн сўмдан ортиқ суммадаги товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишга шартномалар тузишда. Рақобат варақасини эксперт комиссияси олинган тижорат таклифлари асосида тузади (ВМнинг 25.06.2009 йилдаги 178-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

3 Немис молия институтларининг тижорат ва нотижорат кредитлари доирасида берилган қарз шартномаларини тузишда.

Бундай кредитлар олинганда асосий қарздор (Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки) субқарздор корхона билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти ва Молия вазирлигига аниқ лойиҳа бўйича қарз ва Ҳукумат кафолатини бериш тўғрисида илтимоснома тақдим этади. Илтимосномага рақобат варақаси ҳам илова қилиниши лозим (АВ томонидан 31.01.1996 йилда 226-сон билан рўйхатдан ўтказилган Тартибнинг II бўлими 5-банди).

4 Республика валюта жамғармаси ҳисобидан чет эл валютасида кредитлар беришда.

Бундай кредитларни олишда қарз олувчи Вазирлар Маҳкамасига асосланган илтимоснома билан мурожаат қилади, унга бошқа ҳужжатлар билан бирга рақобат варақаси илова қилинган бўлиши керак (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 534-сон қарори билан тасдиқланган Тартибнинг 8-банди).

¹Тегишинча, улар бўйича рақобат варақаси талаб этилмайди.

²Лицензияланадиган махсус турдаги товарлар экспортдан ташқари.

Алимент – почта орқали

Ходимимиз алимент тўлайди. Пул маблағларини қабул қилувчига почта орқали ўтказамиз. Қабул қилувчи келмаганлиги сабабли сентябрь ойи учун алимент яқинда почтадан қайтиб келди. Алиментни почта орқали ўтказишда давом этайликми, зеро ходимнинг иш ҳақидан пул ўтказмаси учун харажатлар ҳам чегирилмоқда?

Е.Степанишчева, бош бухгалтер.

– Пул маблағларининг почта ўтказмалари ўтказилган манзилга қайтарилганда, улар қарздорга иш ҳақини тўлаган ташкилотнинг ҳисобрақамига, кейинчалик ижро ҳужжатини ижрога тақдим этган суд ижрочилари бўлимининг* депозит ҳисобрақамига кўчириш учун ўтказилади. Бунда жўнатмаларни ўтказиш учун олинган тўлов қайтарилмайди (АВ томонидан 8.07.2009 йилда 1980-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 16-банди).

оширилган ундирувлар юзасидан маълумотнома беришга мажбурдир (Қоидаларнинг 18-банди).

Бундан ташқари, қарздорга иш ҳақи тўлаётган ташкилот кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай, суд ижросига ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундириш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади (Қоидаларнинг 28-банди). Суд ижросиси эса улар ўз вақтида ўтказилиши юзасидан текшириш ўтказади (Қоидаларнинг 29-банди).

Қоидалар талабларини бузган айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари назарда тутилган (МЖТКнинг 198-2-моддаси; ЖКнинг 232-моддаси).

Ташкилотингиз манзилига қайтарилган почта пул ўтказмасини суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисобрақамига кўчириш зарур. Ундирувчининг (қабул қилувчининг) келмаганлиги муносабати билан почта пул ўтказмаси қайтарилганлиги ҳақида суд ижросисини хабардор қилиш ва унинг манзилини аниқлаштиришини сўраш ҳам лозим.

Ижро ҳужжатини бажармаганлигини сабабли жазоламасликлари учун, ҳатто ундирувчи уларни қабул қилиш учун келмаётган бўлса ҳам, алимент тўлаш ва ўтказишни ўзбошимчалик билан тўхтатиб қўйманг.

Зебо Қўйлиева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Ундирувчининг (қабул қилувчининг) манзилни аниқлаштириш зарур бўлган ҳолат бундан мустасно. Унинг манзилни аниқлаштириш пайтида маблағлар суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисобрақамига кўчирилмайди. Зеро қабул қилувчи манзилни ўзгартирган ва пул маблағларини янги манзилга қайта йўллашнинг ўзи кифоя бўлиши мумкин.

Ундирувчи ёки ижро ҳужжати бўйича иш ҳақидан ушлаб қолingan қарздорнинг талаби бўйича ташкилот амалга

*Президентнинг 30.05.2017 йилдаги ПҚ-3016-сон қарори қабул қилиниши билан суд ижрочилари бўлими Мажбурий ижро бюроси бўлимига айлантирилди, суд ижросиси эса давлат ижросиси этиб номланди. Қоидаларга ҳозирча тегишли ўзгантиришлар киритилмади.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.


Кўламазорлаштириш, экиш, дизайн. Кўчатлар: барги тўкиладиган, игнабаргли, мевали. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.



«СОЛИКЛАР: САВОДЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини
тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таштумаржон кў. 1/4.
Тел. (+998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz



Қандай қилиб боғдорчилик ширкати аъзоси бўлиш мумкин

Умумий майдони 12,24 сотихни ташкил этувчи 2 та дала ҳовли участкасини сотиб олдим. Кадастр ҳужжатларини расмийлаштирганамдан кейин боғдорчилик-узумчилик ширкати (БУШ) кириш ва аъзолик бадалларини тўлашни талаб қилди. БУШ 2008 йилдаги баённомага ҳавола қилган ҳолда ер участкасининг ҳар бир сотихи учун ЭКИХнинг 1 баравари миқдорида кириш бадали тўлашни талаб этмоқда. Бунинг устига, БУШ кадастр органини жалб этмасдан участкаларимни ўлчаб, умумий майдон 12,7 сотих деб белгиллаган.

1. БУШ мени БУШ аъзолигига қабул қилмасликка ва аъзолик дафтарчасини бермасликка ҳақлими?
2. Кириш бадалини ҳали тўламаган бўлсам, ЭКИХ ўзгарганда унинг миқдори ошадими?
3. БУШ ўлчови билан белгиланган ва кадастр маълумотларига зид келувчи ер участкаси умумий майдонидан келиб чиқиб БУШ кириш бадали миқдорини белгилашга ҳақлими?

3.Тен, бош бухгалтер.

1 Боғдорчилик-узумчилик ширкати (БУШ) ташкил этилган ҳудуддаги иморатни сотиб олувчи шахс унда иморат ва иншоотга мулк ҳуқуқи пайдо бўлган ва у ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан БУШ аъзолигига қабул қилинган пайдан бошлаб ширкат аъзосига айланади (ВМнинг 1.03.2011 йилдаги 51-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 18-банди). Кадастр ҳужжатларини расмийлаштиргангиз сабабли дала ҳовли участкаларига

мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилган. Энди БУШ аъзоларининг умумий йиғилиши сизни ширкат аъзолигига қабул қилиш тўғрисида қарор чиқариши керак.

Низомда кириш бадали тўлангандан кейин ушбу қарор қабул қилиниши кўрсатилмаган. Бироқ БУШ уставида ёки бошқа локал ҳужжатида бу масала аниқлаштирилиши шарт.

Бунда БУШ аъзоси кириш, аъзолик ва мақсадли бадалларни ўз вақтида тўлаши зарур (Низомнинг 22-банди).

2 БУШ устави ёки умумий йиғилиши қарорига мувофиқ кириш бадали шахсни аъзоликка қабул қилиш кунда амал қилувчи ЭКИХ миқдорида белгиланган бўлса, ЭКИХнинг ўзгариши кириш бадали миқдорида таъсир кўрсатади.

3 БУШ аъзоси бадалларни ўзига тегишли ер участкаси майдони улушига муносиб равишда тўлайди (Низомнинг 22-банди 5-хатбошиси).

Кадастр объектларининг қиймат ва сифат жиҳатидан тавсифлари тегишли давлат органлари томонидан ҳисобга олинади («Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий юридик кучга эгадир. Кадастр ҳужжатлари улар билан фуқаролик-ҳуқуқий битишувларни

амалга оширишда, уларни лойihalаштиришда ва бошқа юридик ҳаракатларда ҳуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотлар сифатида қабул қилиниши керак (Низомнинг 3-банди, ВМнинг 2.06.1997 йилдаги 278-сон қарорига 1-илова).

Шу сабабли БУШ унинг аъзосига тегишли ер участкаси умумий майдони ҳажмини мустақил белгилашга ҳақли эмас. У кадастр ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлардан фойдаланиши шарт.

Сабоҳат Султонова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Муддатсиз ногиронлик белгиланган бўлса...

Собиқ ходимга, ҳозир у пенсионер, 1998 йилда меҳнат жароҳати олганлиги туфайли ходимга етказилган зарарни қоплаш учун тўлов тайинланган. Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси касб бўйича меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражасини 60% деб белгиланган. 2011 йилда унинг муддатсиз III гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Барча тўловлар ўз вақтида тўлаб келинган.

2015 йилнинг октябридан бошлаб, ташкилот қайта ташкил этилгандан кейин иш берувчи-ҳуқуқий ворис тўловларни тўламай кўйди.

Иш берувчи зарарни қоплаш учун тўлов тўлашни давом эттириш тўғрисида асосли қарор қабул қилиш учун ТМЭКда қайта тиббий кўрикдан ўтишни талаб қилмоқда.

Собиқ ходим иш берувчининг талабига кўра қайта тиббий кўрикдан ўтказилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилмаганлиги сабабли қўшимча равишда ундан ўтмасдан, ўтган давр учун ҳам тўловларни тиклашни талаб қилмоқда.

Томонларнинг талаблари қанчалик қонуний?

О.Исмоилов, бош бухгалтер.

— Бу вазиятда иш берувчининг ҳатти-ҳаракатлари қонун ҳужжатлари талабларига зиддир.

Белгиланган тартибда ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар деб эътироф этилган юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда зарарни тўлаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти учун унинг ҳуқуқий вориси жавоб беради. Зарарни тўлаш тўғрисидаги талаб ҳам унга берилади (Қоидаларнинг 42-банди, ВМнинг 11.02.2005 йилдаги 60-сон қарорига 1-қисм).

Ўртача ойлик иш ҳақи (даромад) бўйича зарарни тўлаш меҳнат жароҳати туфайли жабрланувчи касб бўйича меҳнат лаёқатини йўқотганлик белгиланган муддат учун, қўшимча харажатларни тўлаш эса уларга муҳтожлик белгиланган муддат давомида амалга оширилади (Қоидаларнинг 53-банди).

Белгиланган муддатлардан олдин қайта тиббий кўрикдан ўтказиш:

➤ соғлиқнинг ҳолати ва ҳаёт фаолиятининг чекланганлик даражаси ўзгарганда;

➤ ногиронлиқни белгилашнинг тўғрилиги бош ТМЭК, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси, Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан текширилганда;

➤ ТМЭК қарорининг асоссизлиги ҳолатлари аниқланганда;

➤ ТМЭК қарори сохта ҳужжатлар асосида чиқарилганда;

➤ қонун ҳужжатларида назарда ту-

тилган бошқа ҳолатларда амалга оширилади.

Муддатсиз ногиронлар деб эътироф этилган шахслар ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларда қайта тиббий кўрикдан ўтказилиши мумкин (Низомнинг 33-банди, ВМнинг 1.07.2011 йилдаги 195-сон қарорига 1-қисм).

Такрорий қайта тиббий кўрикдан ўтказиш учун ТМЭК ногиронга унинг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи кўрсатилган билдиришнома юборади (Низомнинг 36-банди).



Собиқ ходим муддатсиз ногирон деб эътироф этилганлиги, ваколатли органлар уни қайта тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилмаётганликлари инобатга олинса, иш берувчида, шу жумладан унинг ҳуқуқий ворисидан зарарни қоплаш учун тўлов тўлашни тўхтатиб қўйишга асос йўқ.

Собиқ ходим зарарни қоплаш учун тўловларни тиклаш зарурлиги ҳақидаги ёзма ариза билан корхона раҳбарига (собиқ иш берувчига) мурожаат қилиш лозим. Рад жавоби олганда у Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари экспертизаси бўйича давлат инспекциясига ёки судга мурожаат қилишга ҳақи.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Митробот тумани, Таглимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz



Ходим ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли 10 йил аввал меҳнат жароҳати олган. Бахтсиз ҳодиса Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган. 10 йилдан кейин у тиббий муассаса хулосасини тақдим этиб, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилди.

1. Корхона ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли тўлов тўлашни бошлаши керакми?

2. Ҳисоб-китоб учун қайси иш ҳақи олинади: бахтсиз ҳодисагача тўланганими ёки мурожаат қилган кундагисими?

3. Ҳисоб-китоб учун бахтсиз ҳодисагача тўланган иш ҳақи олинса, 10 йиллик зарарни тўлаш учун уни индексация қилиш керакми?

4. Бир йўла бериладиган нафақани индексация қилиш зарурми?

А.Сардеева, юрисконсульт.

10 йил ўтгач зарарни қоплаш

1 Иш берувчи иш берувчининг ҳудудда ва унинг ташқарисиди, шунингдек иш берувчи берган транспортда ишга келиш ёки ишдан кетиш вақтида ходимнинг соғлиғига меҳнат жароҳати билан етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Иш берувчи, меҳнат жароҳати ёки бошқа меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ равишда ходим соғлиғига етказилган зарарни, агар у етказилган зарар учун ўзининг айбдор эмаслигини исбот қила олмаса, ходимга етказилган зарарни тўлаш шарт (МКнинг 189-моддаси; Қоидаларнинг 2-банди, ВМнинг 11.02.2005 йилдаги 60-сон қарорига 1-қисм).

2 Ходимга жароҳат ёки соғлиғига бошқа шикаст етказилганда жабрланувчининг олган ёҳуд олиши мумкин бўлган йўқотган иш ҳақи (даромади) тўланади.

Зарар:

➤ ҳар ойда жабрланувчининг касбий меҳнат фаолиятини йўқотиш даражасига тегишли равишда меҳнат жароҳати олгунга қадар унинг ўртача ойлик иш ҳақиға фоизларда;

➤ соғлиғига шикаст етказилиши сабабли қилинган қўшимча харажатлар компенсацияларда;

➤ белгиланган ҳолларда бир марталик нафақалар тўлашда қопланади (Қоидаларнинг 11-банди).

Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига (ҳам асосий, ҳам даромад солиғи ундирилаётган ўриндошлик иш жойидаги) меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича барча меҳнат ҳақи турлари; тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромади (солиқ инспекцияси маълумотлари асосида); муаллифлик ҳақи; вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқ таътиллари даври учун тўланган нафақалар киритилади.

Барча иш ҳақи (даромади) турлари солиқлар ушлаб қолингунга қадар ҳисобланган суммаларда ҳисобга олинади.

Ўқиш даврида тўланадиган стипендия (зарарни қоплаш тўғрисида мурожаат қилувчининг хоҳишига кўра) иш ҳақиға тенглаштирилади (Қоидаларнинг 12-банди).

3 Зарарни ундириш тўғрисида ариза жабрланувчининг меҳнат жароҳати туфайли касб бўйича меҳнатга лаёқати йўқотилгандан ёки боқувчининг вафотидан 3 йилдан кейин берилган тақдирда зарарни тўлаш бу ҳақда мурожаат қилинган кундан бошлаб амалга оширилади. Ариза берилган кун зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун ҳисобланади.

Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилганда соғлиқнинг шикастланиши билан боғлиқ зарар ёки боқувчининг вафоти билан боғлиқ равишда бериладиган йўқотилган иш ҳақи, бошқа тўловларни қоплаш суммаси ЎЗРда белгиланган ЭКИХ миқдорининг оширилган суммасига мутаносиб равишда кўпайтирилади (Қоидаларнинг 8-банди).

Шу тариқа, ходим ариза берган кундан бошлаб жорий ЭКИХни ҳисобга олган ҳолда зарарни тўлаш зарур.

4 Соғлиқнинг шикастланиши билан боғлиқ зарар ёки боқувчининг вафоти билан боғлиқ равишда бериладиган йўқотилган иш ҳақи, бошқа тўловларни қоплаш суммаси ҳам ЭКИХ миқдорининг оширилган суммасига мутаносиб равишда кўпайтирилади, шу сабабли бир йўла бериладиган нафақани ариза берилган пайтда белгиланган ЭКИХдан келиб чиқиб тўлаш зарур.

Синаш ҳуқуқисиз

Синов муддати тугашига бир ой қолганда ходимни бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимига ўтказдилар. Бунда иш берувчининг ташаббусига кўра синов муддати 3 ойга узайтирилди.

Бу ҳолда синов муддатининг узайтирилиши тўғрими?

П.Ирсов.

— Йўқ, тўғри эмас. Фақат ишга қабул қилиш чоғида ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш мақсадида меҳнат шартномаси дастлабки синов шarti билан тузилиши мумкин (МКнинг 84-моддаси 1-қисми).

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига

киритилган ўзгаришлар асос бўлади (МКнинг 96-моддаси 1-қисми).

Доимий бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ меҳнат шартномасига кирилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ ҳолда чиқарилади ва ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади (МКнинг 96-моддаси 2-қисми).

Шу тариқа, иш берувчи бошқа лавозимга ўтказилган ходимга янги синов муддатини белгилашга ҳақли эмас.

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

Электрон маълумотнома тизимини
ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАКТИМ ЭТАМИЗ

Тошкент ш., Миробот тумани, Таллимзоржон кўч., 1/1.

Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Абдусалом Рискуллаев, «Norma» МЧЖ бош эксперти.

АвтоНорма

Автомобиль учун муддат

Автотранспортни ушлаш муддати қайси пайтдан бошлаб ҳисобланади?

Шухрат Э. Чирчиқ ш.

— Транспорт воситасини ушлаш муддати маъмурий ҳуқуқни бузиш тўғрисида баённома тузилган ёки уни ушлаш тўғрисида қарор чиқарилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Автомобилни сақлаш муддати у тўхташ жойига жойлаштирилган пайтдан бошлаб соатларда ҳисобланади (Низомнинг 9-банди, ВМнинг 25.05.2011 йилдаги 149-сон қарорига 1-илова).



Ташувчининг мажбурияти

Ташиш чоғида ташувчи хизматлар кўрсата бошлаганига қадар ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш кераклигидан хабарим бор. Паркимиздаги машиналар сони ўзгармоқда.

Сугуртани бир йилга эмас, айтайлик, 3–6 ойга расмийлаштирадими?

Гареев. Тошкент ш.

— Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас. Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномаси 1 йил муддатга тузилади. Унинг бошқа муддатларга тузилиши назарда тутилмаган («Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси). Сугурта шартномаси ташувчининг алоҳида транспорт воситалари бўйича эмас, балки унинг бутун парки бўйича тузилиши шуни таъқозо этади.

Шартнома амал қилаётган пайтда муайян ўзгаришлар рўй берса (транспорт воситалари сони кўпайса/камайса, парк таркиби ўзгарса ва ҳ.к.), ташувчи бу ҳақда сугурталовчинини ёзма равишда дарҳол хабардор қилиши шарт. Зарурат бўлганда сугурта шартномасига қўшимча қелишув тузиш ва сугурта полисини қайта расмийлаштириш мумкин. Бунда ўзгарган шарт-шароитга қараб сугурта мукофоти миқдорига тузатиш киритилади. Автомобилларнинг бир қисми фойдаланишдан чиқарилса, ташувчи қолган (фойдаланилмаган) сугурта муддатига ва фойдаланишдан чиқарилаётган транспорт воситалари сонига/турига муносиб равишда тўланган сугурта шартномаси қийматининг бир қисмини қайтаришни сугурта компаниясидан талаб қилишга ҳақли.



«Мобил репортёр» ёрдамга келади

Пойтахтимизда йўл ҳаракати қоидалари бузилиши ҳолатлари тўғрисида энди Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ сайти орқали хабар бериш мумкин бўлади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг сайтида маҳсус «Мобил репортёр» бўлими пайдо бўлади. Унинг ёрдамида фойдаланувчилар йўллардаги ҳар қандай қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборотни фото ва видео орқали жўнатишига имкон берилади.

Пойтахт ЙХХБ бошлиғининг ўринбосари Дониёр Тошхўжаевнинг сўзларига қараганда, бўлим ишга туширилган дастлабки ойда тест режимда ишлайди.

«ЙХХБ ходимлари кейинчалик қоидабузарларга нисбатан чора кўриш мақсадида ушбу материалларни расмий далил-исбот сифатида қўриб чиқади. Асосийси, фото- ва видеоёзувларда уларнинг автомобиллари рақами кўриниб туриши керак. Бу вазифани анча енгиллаштиради. Хошига кўра хабар жўнатаётган муаллифларнинг шахси сир сақланиши мумкин», — деди яқинда ўтказилган брифингда Дониёр Тошхўжаев.

У ҳаракат хавфсизлигига атайин хавф туғдирган ҳолда Тошкент йўллари бўйлаб ўтган тўй кортежидаги ҳайдовчилар билан яқинда бўлиб ўтган ҳодисани ҳам еслатиб ўтди. Бу ҳақдаги ролик ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган эди. Қоидабузарлар аниқланиб, видеоматериалнинг ўзи уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Пойтахт ЙХХБ бошлиғининг ўринбосари таъкидлаганидек, бундай ҳолларда қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишга ҳолат йўқ, сабаби аудио-, фото- ва видеоёзувлардан қоидабузарлик далили сифатида фойдаланиш мумкин.

Янги сайт ишга туширилиши сабабли Тошкент шаҳар ЙХХБ бошлиғи, полковник Барот Маменовга онлайн режимда шахсан мурожаат қилиш имкони бўлади. Идора Telegram канали ва Facebook ижтимоий тармоғида ҳам расмий саҳифасини очади.

Интернет тармоғи материалларидан.

Ташкилотимиз республика вилоятларида филиалларга эга. Улар низом ва ишончнома асосида фаолият юритади. Филиал ходимларини ишга қабул қилиш ҳуқуқи бош офисимизга берилган. Иш жараёнида бир филиал ходимларини бошқа филиалдаги ишни бажариш учун юбориш зарурати юзага келади (вақтинча меҳнатга лаёқатсиз, таътилдаги ва бошқа ходим йўқ бўлган пайтда). Ходимни ташкилотимизнинг бошқа филиалига ишга йўллаш уни бошқа ишга ўтказиш ҳисобланадими? Буни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин?

И.Офедин.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш

— Ҳа, бундай йўллаш ходимни бошқа ишга ўтказиш ҳисобланади. Бироқ ҳаммаси ходимлар қаерга қабул қилинишига боғлиқ. Ушбу масалалар билан ташкилотингиз шугулланишини қайд этиб ўтгансиз.

Вақтинча йўқ бўлган ходимнинг ўрнини босиш учун бошқа ишга ўтказиш меҳнат шартномасига қўшимча қелишув билан расмийлаштирилади. Унда асосий ходим ишга чиққунча ходим бошқа филиалга ўтказилишини кўрсатиш зарур. Бундай қелишув асосида тегишли буйруқ чиқарилади.

Қўшимча қелишув иш жойи (лавозими) сақланадиган ходим йўқ бўлган

пайтга тузилади. Бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт (МКнинг 93-моддаси).



Йирик корхоналар фойдасининг 10%и – инновацияларга

Вазирлар Маҳкамасининг 12.03.2018 йилдаги 195-сон қарори билан Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналаридаги Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 24-сон қарори билан бундай жамғармаларнинг ташкил этилиши назарда тутилган. Улар илмий-амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар, тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун зарур.

Намунавий низомда жамғарма маблағларини бош-

қариш ва улардан фойдаланиш тартиби белгиланган. У хўжалик юритувчи субъект соф фойдасидан 10 фоиз миқдоридаги ажратмалар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Молиялаштиришни талаб этувчи инновацион лойиҳалар илмий-техник экспертизадан ўтказиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг илмий-техник кенгашига тақдим этилади. Унинг натижалари бўйича куйидаги қарорлар қабул қилинади:

- лойиҳани молиялаштиришга қабул қилиш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида;
- лойиҳани қайта ишлашга ёки қўшимча экспертизага юбориш тўғрисида.

Илмий-техник кенгашнинг ижобий хулосаси тас-

диқланган даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида жамғарма маблағлари ажратилиши учун асос ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг илм-фан ва инновациялар бўйича ўринбосари илмий-техник ва инновацион лойиҳалар учун буюртмалар портфелини куйидаги меъёрлар асосида шакллантиради:

- лойиҳаларнинг корхона эҳтиёжларига мувофиқлиги;
- иқтисодий ва экологик самарадорлик;
- меҳнат сарфи ва ресурсларни мақбуллаштириш;
- маҳсулотнинг энергия самарадорлиги ва рақобатбардошлиги;
- илмий ҳажмдорлик, импорт ўрнини қоплаш ва экспортга йўналтирилганлик;
- маҳаллий хом ашё асосида технологияларни ишлаб чиқиш.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 13.03.2018 йилдан кучга кирди.

Рўйхатдан ўтмаган тадбиркор йиллик солиқни ҳар ойнинг 10-санасигача қоплайди

Молия вазирлиги ва ДСҚнинг қарори (12.03.2018 йилда 2463-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Эслатиб ўтамиз, жисмоний шахслар томонидан давлат рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳолатларини

аниқлаш билан солиқ органлари шугулланади. Ҳуқуқбузарлар аниқланган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилиб, уларга Қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаш тўғрисидаги талабнома тақдим этилади.

Ҳуқуқбузар тадбиркорлик фаолиятини ноқонуний амалга ошириш ҳолати аниқланган санадан бошлаб 30 кун ичида қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаши шарт. Бунинг муқобил варианты ҳам бор – ушбу муддат давомида

якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатдан ўтиши лозим. Шунда қатъий белгиланган солиқ бўйича ҳисобланган солиқ мажбуриятлари суммасини ҳар ой тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш мумкин бўлади. Ўзгартиришларга мувофиқ, энди ойлик тўловлар ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмай амалга оширилади (илгари – 25-санасигача эди).

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 12.03.2018 йилдан кучга кирди.

Сайёр кассалар пенсия ва нафақаларни қандай тўлайди

Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг қарори (14.03.2018 йилда 2980-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисида йўриқнома тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, 1.07.2017 йилдан бошлаб пенсия ва нафақаларни тўлаш функциялари почта бўлинмаларидан Халқ банки бўлинмаларига ўтказилган (13.03.2017 йилдаги ПҚ–2826-сон қарорга асосан). Йўриқномада пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш, қайдномаларни расмийлаштириш, тўловлар тўланишини назорат қилишни ташкил этиш, тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни солиштириш қоидалари белгиланган.

Бу – муҳим! Сайёр кассалар куйидагиларни тўлайдилар:

- давлат пенсиялари;
- зарур иш стажига эга бўлмаган, кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар;

- болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар;
- бола туғилганда бериладиган нафақалар;
- дафн этишга нафақалар;
- автобензин солиб олиш харажатлари учун ҳамда уй-жой-коммунал хизматлари тўловлари бўйича компенсация пул тўловлари;
- Ўзбекистон ҳудудида яшовчи, Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқароларга, шунингдек 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига компенсация пул тўловлари;
- Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқароларга ҳамда ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга йиллик бир йўла моддий ёрдам пуллари;
- 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлиги бўлган шахсларга йиллик бир марталик пул мукофотлари;
- пенсия ва нафақалардан алимент тўловлари;

➤ тугатилган ташкилотлар ходимларига уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жараҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар суммалари.

Кўрсатилган тўловлар Халқ банкининг сайёр кассалари томонидан аҳолининг яшаш жойларига етказиб берилди ҳамда фуқаролар йиғинлари биноларида ёки бошқа маъмурий биноларда нақд шаклда топширилади.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек муштарик ҳаракатланиши ва тегишли тўловларни сайёр кассалардан олиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга пул маблағлари беvosита уларнинг яшаш жойига етказиб берилди. Бундай шахслар рўйхати ҳар ойнинг 27-санасига қадар шакллантирилади ҳамда ҳудудий пенсия бўлимига электрон ва ёзма шаклда тақдим этилади.

Пул маблағларини етказиб бериш санаси ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кесимида, бироқ ҳар ойнинг 27-санасидан кечиктирмай белгиланади. Пенсия ва нафақаларни тўлаш муддати дам олиш ва байрам кунларига тўғри келганда, уларни тўлаш муддатидан олдин амалга оширилиши лозим.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 14.03.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, Олег Заманов, «Норма» МЧЖ экспертлари.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета НОРМА МАСЛАХАТЧИ ТАҶСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.	Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ	Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА	ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш. Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Таҳририят тел. 200-00-90 Обуна бўлими тел. 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz	Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва хабар қилиш масалалари бўйича 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90; Рекламини жойлаштириш бўйича 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига муросалат қилиш мумкин.
---	---	---	---	--